



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 24 сентябрь, № 186 (5101)

Жума

## Озиқ-овқат саноати:

# ЮКСАК САЛОҲИЯТ, БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР

Республикада аграр соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса қайта ишлаш саноатининг тараққий этишига хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

### Кўргазма

Чунки амалга оширилаётган ислохотлар заминомизда етиштирилган маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлашга, истеъмол бозорини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиришга йўналтирилган. Шу мақсадда тизимга замонавий техника ва технологиялар жалб этилиб, янги корхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида 208 та янги корхонада озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлана бошлади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта ишлаш саноатида тежамкор технологияларни қўллашда пойтахтимизда анъанавий ўтказиб келинаётган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ушбу соҳаларга оид технологияларнинг "Food Week Uzbekistan" ҳамда "Agri Tek Uzbekistan" халқаро иختисослаштирилган кўргазмалари муҳим бозор вазифини ўтамоқда. Сабаби, ушбу тадбирларда юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан бирга, хорижий компаниялар ҳам илгор ускуна ва жиҳозлари билан иштирок этади. "Узэкспомарказ" мажмуида бўлиб ўтётган бу галги кўргазмаларда ҳам жаҳоннинг Австрия, Венгрия, Беларусь, Голландия, Италия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Латвия,



Норвегия, Польша, Россия ва Украина сингари 16 мамлакатидан 60 дан орტიқ компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматларини тақдир этмоқда.

Халқаро кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер

хўжаликлари уюшмаси ва "TNT Productions Inc" халқаро кўргазмалар компанияси (АҚШ) томонидан ташкил қилинган.

— Тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйишда иختисослаштирилган кўргазмаларнинг аҳамияти беқиёс, — дейди "Ғофуров" ху-

сусий корхонаси раҳбари Абдуғани Ғофуров. — Уларда иштирок этиб, ўзимизга керакли бўлган технологиялар — макарон тайёрлаш ва чой қадоклаш ускуналарини харид қилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бугунги кунда ушбу замонавий ускуналар

ёрдамида 8 турдаги макарон маҳсулотларини ишлаб чиқараямиз, чойнинг 6 хилини бежирим идишларга қадоклаб, истеъмолчиларга етказиб бераёламиз.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 сентябрь кuni Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Озарбойжон ҳукуматларо қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, илм-фан, ахборот технологиялари, сайёҳлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Ботир Ҳўжаев мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, гуманитар ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик ва комбинацияланган ташувларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида ҳукуматларо битимлар, шунингдек, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идораларо битимлар имзоланган.

Ўзбекистон ва Озарбойжон савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистонда озарбойжонлик шериклар билан тузилган ўттиздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар энергетика, енгил саноат, машинасозлик, металл қайта ишлаш, сугурта, фан-таълим, озиқ-овқат, заргарлик, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга иختисослаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА АМАЛИЁТ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётга замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, рақобатбардошликни ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологиялар-

ийлда учинчи мартаба ўтказилган ярмаркада умумий қиймати 3,2 миллиард сўмдан ортиқ қарийб 130 та шартнома им-

### Қарор ва ижро

этишни рағбатлантириш борасидаги қўшмача чоратадбирлар тўғрисидаги қарори илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожига муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнда илмий тадқиқот институтлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасидаги узвий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда Инновацион ғоялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси муҳим ўрин тутди. Жорий

130 та шартнома имзоланди. Ярмаркада саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълим соҳалари учун олти юздан ортиқ истикболли инновацион лойиҳалари, ишланмалар, юқори технологик ускуналар намуналари намойиш этилди.

Абу Райҳон Бериунинг номидаги Тошкент давлат техника университетиди

(Давоми 2-бетда).

## БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли раҳбарлигидаги делегация аъзолари 23 сентябрь кuni Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алиқонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар сиёсат, парламентаризм, иқтисодиёт, фан-таълим каби кўплаб соҳаларда изчил тараққий этаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш борасида халқаро ҳамкорликини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида

мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Парламентга 2009 йили бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Эҳоҳаракатдан 15 депутат сайлангани бу йўналишдаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш ва амалий ишлар самарадор-

лигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон экологик ҳаракати айна пайтда юртимиздаги экология ва табиий ресурсларни янада иختисослаштирилган икки юздан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда аграр тармоқда тежамкор сўғориш технологияларини қўллаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнининг инсон саломатлигига, аτροφ-

муҳитга салбий таъсирини камайтириш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги экология соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, жумладан, Орол муаммоси, унинг аҳоли генфонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштиришда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонлар Ўзбекистон эко-

(Давоми 2-бетда).

Юртимизда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши ҳамда иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳам бунинг ёрқин далолатидир.

## ИҚТИДОРЛИ ИЖОДКОР ЁШЛАР

мамлакатимизнинг янада тараққий топишида фаол иштирок этмоқдалар

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси куйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистонда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти-"

иштирок этган 3 минг 518 нафар ўқувчининг бир минг 114 та олтин, мингдан зиёд кумуш ва бир минг 391 бронза медалини қўлга киритганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

— Ёшларнинг бундай ютуқларга эришишлари-тонда "Зулфия" ва "Нихол" мукофотлари, "Ягона-сан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови, "Янги авлод" болалар фестивали, "Келажак овози" республика ёшлари танлови, "Санъат гунчалари" болалар кўрик-танлови, "Дебют" ёш театр режиссёрлари танловининг аҳамияти катта бўлмоқда, — дейди "Нихол" мукофоти совриндори Лола Махамматдинова. — Ҳали ушбу танлов ва мукофотлар яна кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этади. Санъат, спорт, илм-фан ва ижод соҳаларида фаолият олиб бораётган тенгдошларимизнинг интилишларини кўриб, бунга амин бўласан, киши.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



НАМАНГАН. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида "Наманган шарбати" масъулияти чекланган жамиятида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига 5 миллиард 875 миллион сўмлик мева қайта ишланди.

### Маҳсулотига хориж харидор

Шундан 1,5 миллион АҚШ долларилек маҳсулот хорижлик мижозларга етказиб берилди ва натижада экспорт борасида икки баравар ўсишга эришилди. Эътироф этиш кераки, шу йилнинг ўтган дав-

рида вилоятдаги экспортчи корхоналар томонидан жами 53,9 миллион АҚШ долларилек маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

Қ. НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Янги корхона иш бошлади

БУХОРО шаҳрида "Ансобтекс" саноат корхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда ойига ўн минг погонметр ўзи ишлаб чиқарилмоқда.

Қувватлар тўлиқ ўзлаштирилиши билан бу кўрсаткич уч бараварга ошди ҳамда қўшимча ўнга иш ўрни ярати-

Эътиборлиси, ўтган саккиз ой мобайнида вилоятда мавжуд саноат корхоналари томонидан 876 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда муддати уч йилдан ортиқ бўлган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар ўсди.

Республикада банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Меҳнат ярмаркаси

АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманининг маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 127 та ташкилот ва корхона томонидан 935 та иш ўрни тақдиф этилди. Натижада 766 нафар фуқаро шу ёрнинг эътида ишга жойлашган бўлса, 80 нафар хотин-қиз тикувчилик бўйича "Устоз-шиғирд" усулида хунар ўргандиган бўлди.

О. ШОДМОНЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.






ЖАҲОН 24 соат ичида

Жониворларнинг номаълум тури

Африка ўрмонларида ҳозиргача фанга маълум бўлмаган ҳайвон турига дуч келинди.

Кенида аниқланган мазкур жониворларнинг ташқи кўриниши филга ўхшаб кетади. Аммо уларнинг жуссаси жуда кичкина бўлиб, нари борса, мушукчаллик чикаркан. Ҳозирча мутахассислар ҳайвонларга қандай ном беришга ҳайрон бўлиб туришибди. Сабаби, дастлаб уларнинг аҳдои филларга мансубми ёки бу янги турдаги жониворларми, деган саволга ойдинлик киритиб олиш керак экан.



Тўфон оқибати

Хитойнинг Гуандун музофотида қузатилаётган "Фанаби" тўфони катта талафотларни келтириб чиқармоқда.



Табиий офат рўй берётган ҳудудларда кучли шамол эсиб, тинимсиз ёмғир ёғмоқда. Оқибатда 33 на-

фар одам ҳаётдан кўз юмган, 40 киши эса бедарак йўқолган. Тўфондан жабр кўрганлар эса жами бўлиб бир миллион кишидан ошган. "Фанаби" бундан бир неча кун муқаддам Тайванда жунбушга келганди. Натижада мазкур мамлакатда истиқомат қилаётган қариб икки юз минг киши бошпанасиз қолганди.

Қайтариб олишни маълум қилди

Буюк Британиянинг "Bentley" компанияси АҚШ бозорида сотилган 600 донна машинасини қайтариб оладиган бўлди.

"The Economic Times"нинг хабар беришича, мазкур автоуловларнинг қалогига ёпиштирилган эмблемаларда нуксон борлиги туфайли шундай қарорга келинган.

Жангариларга қарши амалиёт

Афғонистондаги халқаро коалиция кучлари мамлакат армияси билан ҳамкорликда "Толибон" жангариларига қарши ҳарбий амалиёт ўтказди.

Унда Кундуз музофотида жойлашган босқинчилар қароргоҳига ҳужум уюштирилган. Операция чоғида 30 нафар жангари йўқ қилинган. Мазкур музофотдаги "Толибон" ҳаракати етакчиси Маулави Рошан қўлга олинган.



Маулави Рошан жангарилари қурол-яроғ, портловчи қурилмалар билан таъминланганлиги ҳамда жиноий гуруҳнинг Покистондаги бўлими фаолиятини бошқарганлиги айтилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҲАМИША УСТУВОР

Чимбойлик Ойсара Пиржонова бозордан керакли нарсаларни харид қилгач, соатига қаради. Меҳмонлар келишига икки соат вақт қолибди. Шошилиши керак. Хали тикувчилик корхонасига ҳам бориши лозим. Кеча парда тиктириш учун уйининг деразалари ўлчамларини бериб, олдидан 350 минг сўм тўлаб қўйганди. Корхонага келгач, қувониб кетди: буюртмаси тайёр бўлибди. Кишининг ҳавасини келтирадиган бежирим парда ял-ял ёнади.

Аммо Ойсара уйига бориб қарасаки, буюртмада нуксон бор. Яъни ўлчамдагидан анча кам. Шундан сўнг у яна корхонага ошқиди. Тикувчиларга аҳволин тушунтиришга ҳаракат қилди. Бироқ улар бунга эътибор беришмади. Шунда у хизмат кўрсатилувчи томонидан етказилган зарарни ундириб беришни сўраб, Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг Чимбой тума-

ни бўлимига мурожаат қилди. Пировардида бўлим ходимларининг аралашуви билан масалага ойдинлик киритилиб, О. Пиржоновага 350 минг сўм ундириб берилди.

Шунингдек, Нукус шаҳрида яшовчи Т. Реймназаровнинг мурожаати ҳам мутахассисларимиз томонидан ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, шаҳар газ таъминоти корхонаси ходимлари истеъмол қилинган газ ҳақини олишда ортқча ҳисоб-китоб қилиш-

гани маълум бўлди. Натижада ортқча ҳисобланган 154 минг сўм хонадон эгасига қайтарилди.

Назорат

Бугунги кунда бундай ҳолатларга бот-бот дуч келяпмиз. Бу "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазиран Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида федерациямиз томонидан муайян ишлар амалга оширилатганининг самарасидир. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи давомида истеъмолчилардан тушган 92 та ариза ижобий ҳал этилиб, уларга қариб икки миллион сўм қайтариб берилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда илмга кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги қарорига асосан, Чимбой ва Қораўзақ туманларида Ҳуқуқий маслаҳат марказлари иш бошлади. Келгусида бошқа туманларда ҳам шундай марказлар ташкил этиш режалаштирилган. Муҳими, бизнинг сайёҳаракатларимиз туфайли эндиликда аҳолининг истеъмолчилик маданияти шаклланиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишмоқда. Аслида, шундай бўлиши ҳам керак. Негаки, мамлакатимизда истеъмолчилар манфаати қонун доирасида муҳофазаланган бўлиб, ҳамиша устувордир.

Усмон МАТКАРИМОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси.

Яхши хабарлар

«ХУНАРМАНД» ТАШАБУСГА ЧОРАЛАНДИ

Баркамол авлод йили муносабати билан Республика "Хунарманд" уюшмасининг Ангрэн — Охангарон туманлари бўлими ташаббуси билан ўста-шигорид аъёналарини кенг ривожлантириш орқали ёшларни маълум бир хунарга ўргатиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда уюшманинг юз нафарга яқин аъзоси ўз ёнларига интилувчан ёшларни жамлаб, уларга хунар ўргатмоқдалар. Хунармандчилик билан шуғулланаётган ёшлар ҳисобига ҳудудда касаначилар сонига тобора ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ташаббус туфайли қисқа муддатда эллик нафарга яқин қишлоқ ёшлари хунарли ва ишли бўлишди.

М. АБДУҚОДИРОВА.

МАЗАЛИ ВА ХУШТАЪМ НОНЛАР

Деҳқонobodлик Нодира Бойназарова лойиҳа қиймати 200 миллион сўмлик янги технология линиясини ишга туширди.

Ҳозир бу ерда хориж технологияси ёрдамида бир кеча-кундузда икки тоннага яқин турдаги мазаги ва хуштаъм нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Янги цехнинг ишга туширилиши ҳисобига корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 1,5 бараварга ошди.

Ф. БОЗОРОВ.

Nestle Nestle Uzbekistan MChJ

Ўз офиси ва Тошкент шаҳрида қурилаётган заводи ходимлари учун умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича корхоналар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш аризасига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:

- юридик шахс уставининг нотариал тасдиқланган нусخаси;
• юридик шахс сифатида давлат рўйхатидаги ўзгаришга гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
• умумий овқатланишни ташкил этишга рухсат берилган ҳужжатларнинг нусхалари;
• юридик шахс муҳри билан тасдиқланган корхона раҳбари ва бош бухгалтерини ишга тайинлаш бўйича тасвирларнинг қарори (бўйруғи);
• раҳбар ва бош бухгалтер паспортлари нусхалари;
• ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот: баланс, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, пул оқими ҳақида ҳисобот, дебитор/кредиторлар ҳақида маълумотнома, 2009 йил бўйича пул айланиши ҳақида банк маълумотномаси, ариза берилган санагача картотека бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси.

Умумий талаблар:

- миллий ва Европа таомларини тайёрлаш;
• ошпазлар мутахассислик бўйича камидан уч йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари лозим;
• маҳсулотларни ташини учун махсус транспорт (санитария паспорти билан);
• ишни ташкил этиш ва СанПИН 083 бўйича барча талабларни бажариши;
• ошхона ишчи ҳафтада 7 кун суткасига 24 соат юртиши — сменали иш тартиби;
• ишчори Ўзбекистон Республикаси қонуночилигига асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва савбазаво ҳамда ҳўл мева-салат чиқиндиларини утилизация қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
• хизматлар таомлар ассортиментига кўра, буюртмачи ва ишчори ўртасидаги келишувга асосан кўрсатилади.

Овқатланишни ташкил этиш жадавали:

- кундузги смена — соат 12.00 дан соат 14.00 гача (ҳар куни) 90 киши;
- кечки смена — соат 20.00 дан соат 21.00 гача (ҳар куни) 20 киши;
- тунги смена — соат 04.00 дан соат 05.00 гача (ҳар куни) 20 киши.

Танловда иштирок этиш учун ариза беришнинг сўнгги муддати — 2010 йил 8 октябрь куни кечгача.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш лозим: Тошкент шаҳри, Абдулла Каҳҳор 7-тор кўчаси, 9-уй.

Танлов ўтказилиши масалалари бўйича қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: (998-71) 140-06-00.

Мулоқот учун шахс — Альбина Бекметова, маъмурий масалалар бўйича мутахассис.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Соврин плюс капитал» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 21 сентябрда Жиззах шаҳрида ўтказилган III ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/р, Ютуқ миқдори, Вилоят, Филвал, Муассаса, Ҳисоб-варак рақами. Contains lottery results for various regions.

Table with 5 columns: T/р, Ютуқ миқдори, Вилоят, Филвал, Муассаса, Ҳисоб-варак рақами. Contains lottery results for various regions.

Table with 5 columns: T/р, Ютуқ миқдори, Вилоят, Филвал, Муассаса, Ҳисоб-варак рақами. Contains lottery results for various regions.

Изоҳ: шунингдек, «Соврин плюс капитал» омонати бўйича 5000 ва 1000 сўмлик 1399 та ютуқлар ўйналди. Омонатчилар ушбу ютуқларни расмийлаштириш учун Халқ банкининг омонат ҳисобоварига очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.

Ҳайъат раиси — Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари
Масъул котиб — Халқ банки Жамғарма ишларини ривожлантириш бошқармаси бўлими бошлиғи

Н. А. МУХТАРОВА
Д. Х. ЁРМАТОВ

Advertisement for 'CSP' (Chirchik Shanxai Plast) OOO, producing polyethylene pipes for water supply, gas supply, and canalization. Includes contact info and address.

Advertisement for 'Kvartiry' (Apartments) for sale in the Yulnasaraiy district. Includes 'Ipoteka' (Mortgage) and 'Nizkije tseny' (Low prices) text.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic Halq Ta'limi Vazirligi' (Ministry of Education) regarding the 'Uquv ta'limi-ta'minot' (Education and maintenance) program. Mentions 'Lutfixon Turaxanov' and 'Lutifxon Turaxanov'.

# ЭНГ ГУЛЛАГАН

# ЧОБИМДА



Сўлим **ФАРФОНА**

қадимдан илму хунар бешиги, улуг маърифатпарвар алломаларни камолга етказган табаррук замин, дея тилга олинади. Не бахтки, ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғинойидек буюк зотларнинг она тупроғи бугун ҳам юртга фидойилик ҳисси билан ёниб яшовчи, Ватан мадҳини дунёга дoston қилишни фарзандлик бурчим, деб билгучи теран фикрли ёшларни вояга етказмоқда. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, улкан бунёдкорлик ва янгиланишлардан ибрат олиб улғаяётган бу ёшларга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. "Энг гуллаган ёшлик чоғимда" саҳифаси орқали бу гал санъат ва спорт, илм-фану хунар бобида бетакрор истеъдодини намоён этишга астойдил интилаётган фарғоналик ёшлар ҳақида хикоя қиламиз.

Умид билан экилган ниҳол ўз-ўзидан дарахт бўлиб қолмайди. Уни авайлаб-асраш, ардоқлаш лозим. Бугунги ёш авлодга қаратилаётган эътибор замирида ҳам уларнинг эртанги кунимиз давомчилари, комил инсон бўлишни кўришдек эзгу истақлар мужассам. Бу борада Фарғона политехника институтида ўзига хос ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВ, ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТ

Институтнинг иқтидорли талабалари ва илмий тадқиқотчилари ўзларининг конструкторлик изланишлари билан юртимиз ҳамда халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли танловларда

### Интилиш

Бугунга келиб институт маъмурияти водийдаги 40 га яқин йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тўзди. Хусусан, "Фарғонаазот" ОАЖ, "Фарғонағмой" комбинати, "Евро Осий ТАПО диск" қўшма корхонаси, "Фарғона механика заводи", "Фарғона электр тармоқлари" корхоналарида институт билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий-ишлаб чиқариш марказлари доимий фаолият кўрсатмоқда.

пионатининг "Middle Asia" минтақавий ўйинлари чорак финал ва ярим финал босқичларида фаол қатнашиб, олий таълим муассасалари орасида фахрли ўринни эгаллади.

Дарвоқе, яқинда институт ҳаётида муҳим янгиллик рўй берди. Биласиз, хорижий мамлакатлар талабалари деб "Талабалар — эркин тадбиркорликда" умумжаҳон ҳаракатида қатнашишни фахр ва шараф, деб билишади. Институт талабалари мазкур ҳаракатда қатнашиш ниятида бизнес, таълим ва иқтисодий йўналишларда 15 та лойиҳа ишлаб чиқиб, ҳаракат танловига тақдим этишди. Натижа эса аъло. Яъни улар Германиянинг Майнц шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида иштирок этиш, совринли 2-ўринни эгаллашди. Бу ютуқларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, албатта. Айни пайтда институт ёшларининг бундай тадбирларда қатнашиш учун янги лойиҳалар устида иш олиб бораётгани эса янада қувонарлидир.

С. АМИНОВ

муваффақиятли қатнашмоқдалар. Шунингдек, бу ишларни хорижий ҳамда бошқа илмий тадқиқот лойиҳаларига жалб этиш, турли грант лойиҳаларида, семинарлар, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш, изланишлар натижаларини илмий нашрларда чоп қилиш талабалар ижодий йўналишларининг асосини ташкил этаётти.

Ёшлар учун тил ўрганиш, ахборот-ресурс технологиялари марказлари очилган. Махсус компьютерлаштирилган хоналар ҳам туну кун улар хизматида. Ана шундай иқтидор эгалари орасида саралаб олинган жамоа дастурлаш бўйича жаҳон чем-

## Билим, тажриба, истиқбол

Фарғона шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

### Бандлик

Унда 120 та корхона ва таълим ҳақида 118 та кичик бизнес субъекти 2200 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Пироваддида 1059 кишига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди. Уларнинг аксарияти "Фарғонаазот" ОАЖ, "Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси", "Автойна" каби бир қатор йирик корхоналарда ишлайдиган бўлилар.

Н. АМИНОВ

### Фурур

Юртбошимиз спортнинг бадий гимнастика турига, айниқса, юртимизнинг чекка қишлоқларида истикомат қилувчи қизларни кенг жалб этишга эътибор қаратиш лозимлигини кўп таъкидлайдилар.

## Спорт маликалари маскани

Бундай эътибор бизнинг вилоятда ҳам спортнинг бадий гимнастика турини ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга, турли халқаро мусобақаларда қатнашишимиз учун қўмақлашишга замин яратди.

Вилоятда спортнинг ушбу турини ривожлантириш учун барча имкониятлар маъмул. Спортчи опарларимиз турли йилларда юртимиз ва халқаро миқёсда бўлиб ўтган нуфузли мусобақаларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашган. Яқинда тенгдошларимиз "Олимпия умидлари" республика турнири, "Тошкент кузи" халқаро мусобақаларида совринли ўринлардан жой олишди. Даря Волкова, Алина Джу, Гулноза Эгамбердиева шохсупанинг юқори поғоналарига кўтарилишди.

Мураббийларимизнинг айтишича, айни пайтда вилоятимиздаги 1100 нафардан зиёд қизлар спортнинг бу нафис тури билан мунтазам равишда шуғулланишмоқда. Шаҳар ва туманларимизда фаолият кўрсатаётган бадий гимнастика тўғрақларида 20 нафар олий маълумотли мураббий иш олиб бораёттир. Бу, албатта, қувончли.

Бадий гимнастикани янада ривожлантириш мақсадида кейинги ойлarda ҳар бир туман ва шаҳарда семинар-тренинглар ўтказилаётганлигидан янада мамнунмиз. Негаки, шу тренинглар якунида 25 нафар аёл мураббийга ана шу йўналишда фаолият кўрсатишга оид сертификатлар берилди. Бундай мураббийлар сафи ортиши эса вилоятимизда бадий гимнастика спортини янада раванқ топтиришда муҳим омилдир.

Биз, ёшлар ана шундай бекиёс гамхўрликлардан баҳраманд ҳолда бугун кунт ва қизқиш билан илм олаёмиз. Келгусида ўзимиз қизқикан касбда фаолият юритиб, жамиятдаги бошқа соғлом кишилар қатори юрт раванқига ҳисса қўшиш ниятидамыз.

Мадина БОҚУҚУЛОВА, Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун республика иктисослаштирилган коллеж ўқувчиси.

Карина ХОЖИЕВА, Фарғона шаҳридаги «Олимпия умидлари» спорт мактабининг бадий гимнастика бўлими тарбияланувчиси.



## Беғубор орзулар қанотида

Муסיқа — кўнгилларга эзгу ҳис-туйғулар бахш этувчи тенгсиз мўъжизадир. Айниқса, ушбу гўзал санъатни жондан азиз фарзандларимиз ижро этса, бу дилларимизни янада хузурубакхисларга тўлдирди. Фарғона шаҳридаги 2-болалар муסיқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Анжелика Юсупова фортепьянода ижро этган мумтоз кўяларни тинглаб, шулар

ҳаёлимиздан ўтди. Унинг нозик бармоқлари ажиб нафосат билан чалаётган куй бизни гўё сехрлаб кўйгандек бўлди. Ахир, жаҳон муסיқа санъатининг улуг наомандалари Бетховен, Шуберт, Штрауснинг нодир асарларини, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган бетакрор куйларни ҳар ким ҳам бундай мохирона ижро этолмайди. 9 ёшли Анжелика эса бунинг уддасидан чиқмоқда.

Анжелика юртимиз миқёсида ўтказилаётган қўллаб-қувватлаш бўлиб, унинг нозик бармоқлари ажиб нафосат билан чалаётган куй бизни гўё сехрлаб кўйгандек бўлди. Ахир, жаҳон муסיқа санъатининг улуг наомандалари Бетховен, Шуберт, Штрауснинг нодир асарларини, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган бетакрор куйларни ҳар ким ҳам бундай мохирона ижро этолмайди. 9 ёшли Анжелика эса бунинг уддасидан чиқмоқда.

### Муסיқа

янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув ва муסיқа анжумалари билан таъминлашга оид Фармони муסיқа фанини ўқитишни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашни янги босқичга олиб чиқди.

— Болалиқдан муסיқа санъатига қизиқаман, — дейди Сайёдахон Нуртожиева. — Мактабда бошлангич синфда ўқиб юрган кезларимда ота-онам бунни сезиб, муסיқа мактабига олиб боришди. Аста-секин юрагим-

тавсирий санъат йўналишлари бўйича билим олишади, иқтидор ва маҳоратларини оширишади. Уларнинг девяли ярми давлат ҳисобидан таълим олмақда. Айниқса, Президентимизнинг болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини

Фарғона шаҳрида жойлашган Республика иктисослаштирилган касб-хунар коллежида жисмоний имконияти чекланган ёшлар таълим олади. Бу ерда бизнинг пухта билим эгаллаб, касб-хунарли бўлишимиз учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Чунки ўтган йили коллежнинг тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, тураржойларимиз, синф хоналари, амалиёт учун мўлжалланган лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Хозирги кунда юртимизнинг турли худудларидан келган 400 нафардан зиёд ўқувчи коллежда ахборот-кутубхона тизими, тикувчилик ишлаб чиқариши, радиотехника ва телеаппаратураларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ҳамда компьютер тармоқларини ишлатиш, уларнинг дастурий таъминоти каби йўналишлар бўйича касб сирларини ўрганмоқда.

Маълумки, бугун замон шиддат билан ривожланиб, компьютер технологиялари кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётти. Энди бу каби имкониятлардан биз ҳам бемалол фойдаланаямиз.

## ЧЕКСИЗ МЕХР ОҒУШИДАМИЗ

Бунинг учун "Duxbury Braille Translator" компанияси махсус дастурлар тизимини ишлаб чиққан бўлиб, ушбу дастур кўзи ожизлар учун турли хужжатларни бир неча тилларда тайёрлаш, уларга қайта ишлов бериш имкониятини яратди. Унинг ёрдамида интернетга бемалол боғланиш, керакли маълумот олиб, таҳлил қилиш мумкин. Шунингдек, "Брайл" дастури орқали олинган маълумотларни экранга чиқариш, "Нуткли синтезатор" дастури кўмағида эса монитордаги маълумотларни тинглаш имкониятига эгамиз.

Узим ҳам бугун бошқа тенгдошларим қатори компьютер орқали дунё хабарларини ўқийман, бу қулай замонавий технология тўғрисида таълим соҳасидаги барча амалиётларни мустақил баҳараяман. Муҳими, мен каби ёшларнинг илм сирларини

### Гамхўрлик

Биз, ёшлар ана шундай бекиёс гамхўрликлардан баҳраманд ҳолда бугун кунт ва қизқиш билан илм олаёмиз. Келгусида ўзимиз қизқикан касбда фаолият юритиб, жамиятдаги бошқа соғлом кишилар қатори юрт раванқига ҳисса қўшиш ниятидамыз.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788



## Рақамлар сўзлайди:

- "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида Фарғона вилояти йилгича барча йўналишлар учун 260 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.
- Жорий йилда вилоятнинг Риштон, Бувайда, Кува, Бешариқ туманларида янги қурилган касб-хунар коллежлари фаолият бошлади. Вилоятдаги 6 та коллежда эса жами 650 ўринли тураржой бинолари бунёд этилди. Ушбу мақсадларга 9 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.
- 2010 йилдан эътиборан, вилоятда рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Интернетдан фойдаланишни янада кенгайтириш мақсадида, ёш истеъмолчилар учун 3200 та қўшимча порталлар олиб келинди. Маълумотлар узатишнинг симсиз тармоғини кенгайтириш мақсадида 4 та замонавий станция ишга туширилди.
- Янги ўқув йилига мўлжалланган "Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳаси доирасида 113 та мактабда компьютер синфлари ташкил этилди.
- Ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан 1 миллиард 136 миллион сўм микрокредитлар ажратилди.

Инсон ҳар доим орзу-ҳавас билан яшайди. Айниқса, умр баҳори — ёшлик йилларида кўнгида бир олам эзгу умидлар буй чўзади. Бугун биз, истиқлол фарзандларининг бахтимиз шундоки, мустақил юртобда туғилиб, бекиёс имкониятлардан фойдаланаямиз. Президентимизнинг оталарча гамхўрлик кўрсатишлари илму хунар эгаллашига бўлган иштиёқимизни янада орттирмоқда.

## Истеъдод, изланиш ва шижоат

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, сўлим Фарғона водийсида туғилиб ўсдим. Замон талаблари даражасидаги таълим масканларида ўқидим. Хусусан, ўрта мактабни битиргач, санъат коллежида малакали устозлар ўғитини олдим.

Астойдил меҳнат қилган, машаққатлардан чўчимасдан интирилган киши

### Фахр

борки, албатта, муваффақиятларга эришади. Масалан, мен ҳам ўқиб ва изланиш асосида "Келажак овози" республика кўриктанловининг шаҳар, вилоят, республика босқичларида гўлиб бўлдим. "Қалбимда Ватан мадҳи" республика танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида, шунингдек, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўриктанловида

иштирок этдим. Бу ютуқларим, албатта, она-заминимизнинг тинчлиги, ҳаётимиз осуда эканлиги, мени қўллаб-қувватловчи инсонлар борлиги, уларнинг ишончи тўғайдилар.

Баркамол авлод йилида яна бир ютуққа эришдим. Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бу муваффақиятни Президентимизнинг ёшларга қаратаётган самимий меҳр ва эътиборининг ёрқин намунаси, деб биламан. Зеро, шундай нуфузли мукофотга лойиқ топилганим қалбимда чексиз фахр ҳиссини уйғотди.

Юрагимдаги туйғулар мени бундан буён ҳам юрт мадҳини тараннум этиб, унинг доврўғини дунёга таратиш йўлида тинимсиз меҳнат қилишга, ижодий изланишга ундайеради.

### Шаҳноза ДАВЛАТОВА, Зулфия номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Ташрифта келган қўлемлар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таърирнинг жавобгар эмас.

Газета таърирнинг компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғасев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Кутбидинов. Навбатчи — Ф. Абилов. Муасхас — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.40

1 2 3 4 5